

ЎТМИШГА НАЗАР

4 - МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 4

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE - 4



Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алина Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

1. Доно Зияева ЭРОН САФАРНОМАЛАРИ ВА МЕМУАР АСАРЛАРИ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА.....	6
2. Санобар Шадманова ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИ ВА ТИПОЛОГИЯСИ (1917-1941 ЙИЛЛАР).....	13
3. Надира Маҳкамова ЎРТА ОСИЁ МИЛЛИЙ-ХУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАНИШ МАСАЛАСИНИНГ СОВЕТ ДАВРИ АДАБИЁТЛАРИДА АКС ЭТИШИ.....	20
4. Қаҳрамон Алманов ИЛК ЎРТА АСРЛАР УСТРУШОНА ТАНГАЛАРИ.....	29
5. Шахноза Абдурахимова 1985-1991 ЙИЛЛАРДАГИ АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ АКС ЭТИШИ.....	39
6. Zebiniso Axmedova OLIMLARNING AHMAD DONUSH IJODI VA FAOLIYATIGA QARASHLARI.....	47
7. Гулчеҳра Аҳмедова СУРХОНДАРЁ БАХШИЛАРИ.....	54
8. Komiljon Arziyev SHIMOLIY-BAQTRIYA MOZOR-QO`RG`ONLAR O`RGANILISH TARIXI (eramizdan avvalgi II asrlar oxiri va eramizning III asrlariga).....	59
9. Мансур Бойсариев ДИАСПОРА ТУШУНЧАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР КЕСИМИДА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.....	65
10. Шерзод Бахранов РОССИЯНИНГ ЎРТА ОСИЁ БИЛАН ҚЎҚОН ОРКАЛИ ОЛИБ БОРГАН ЧОЙ САВДОСИ ТАРИХИДАН (XIX-аср охири ва XX-аср бошларида).....	74
11. Феруза Бобожонова БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ МАДРАСАЛАРНИНГ ҚУРИЛИШИ, МОДДИЙ-ХЎЖАЛИК ТАЪМИНОТИ ВА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	80
12. Назокат Бозорова СУРХОНДАРЁЛИКЛАРНИНГ ФРОНТ ВА ФРОНТ ОРТИДАГИ ЖАСОРАТИ.....	94
13. Шербек Ёдгоров МИСРДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРНИНГ ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА РАДИКАЛИЗМНИНГ ЁЙИЛИШИГА ТАЪСИРИ.....	100
14. Бехзод Исабеков СУЮРЛИТЕПА ЁДГОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА МУЛОҲАЗАЛАР.....	108

15. Дилфуза Исмоилова, Нор Бердиев XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА КОНЧИЛИК ВА МЕТАЛЛУРГИЯ ТАРИХИДАН.....	113
16. Фарходжон Исматуллаев ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК – ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА.....	121
17. Руфина Каюмова ЎЗБЕК ЖАНГЧИЛАРИНИНГ ЖАСОРАТЛАРИ УРУШ ДАВРИ ХАТЛАРИ САТРАЛАРИДА.....	129
18. Oybek Klichev, Nishona Hasanova SITORAI MOXI XOSA MUZEYI BINOLARINING TUZILISHI.....	135
19. Хушнудбек Мамадалиев ФАРҶОНА ВОДИЙСИДА “ЯНГИ ШАҲАР” ЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА УЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	141
20. Erkinjon Maxmudov BXSR HUKUMATINING VAQF MULKLARIGA BO’LGAN MUNOSABATI.....	152
21. Темур Мўминов ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР.....	157
22. Ғайратхон Мухтаров ЧОТҚОЛ ТОҒ ТИЗМАСИ ПЕТРОГЛИФЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	166
23. Жамшид Перемкулов СОВЕТ ДАВРИДА САНОАТ ШАҲАРЛАРИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ (ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	173
24. Зафар Раҳманов ЧУСТ ЎТРОҚ ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ВОҲА ЖОЙЛАШУВ ТИЗИМИНИНГ БОШЛАНИШИ.....	183
25. Элёр Раҳмонов ФАРҶОНА ВОДИЙСИДА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ВА ЁШ ОИЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ЖАРАЁНИ.....	191
26. Зокир Рустамов 1920-1930 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН, ТУРКИЯ ВА ЭРОНДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ИСЛОҲОТЛАР.....	199
27. Azamat Sanakulov MARKAZIY OSIYODA SIYOSIY JARAYONLARDAGI XALQ DIPLOMATIYASINING AHAMIYATI VA O’RNI.....	205
28. Нодир Сафаров РОССИЯ-БУХОРО АЛОҚАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ТАРИХШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	213

29. Анора Тоғаева ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ: АҲВОЛИ ВА МУАММОЛАРИ (1950-1980 йиллар).....	219
30. Фарход Усманов 1920-1930 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР ҚАРОВСИЗЛИГИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР.....	226
31. Икромжон Умаров БАДАШ – КЎҲИТАНГТОҒ ҚИШЛОҚЛАРИ АҲОЛИСИНИНГ ҚАДИМИЙ МУСИҚИЙ САНЪАТИ.....	238
32. Гулнора Фарманова Н.И.ВЕСЕЛОВСКИЙ ВА УНИНГ АФРОСИЁБДАГИ АРХЕОЛОГИК ИШЛАРИ (АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИНИНГ БИРЛАШИШ ТЎҒРИСИДА).....	245
33. Madina Chorieva XX-XXI ASRLAR TARIXSHINOSLIGIDA SO'NGGI MANGIT AMIR SAYID OLIMXON.....	250
34. Шахло Хусанова БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ МИНГТЕПА ШАҲРИ.....	255
35. Фурқат Тошбоев, Наргиза Каримова УСТРУШОНАНИНГ ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БУЮК ИПАК ЙЎЛИ САВДОСИДАГИ ЎРНИ.....	261

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Доно Хамидовна Зияева,
тарих фанлари доктори, профессор
ЎзР ФА тарих институти

ЭРОН САФАРНОМАЛАРИ ВА МЕМУАР АСАРЛАРИ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА

For citation: Dono Kh.Ziyaeva, IRANIAN TRAVELOGUES AND MEMOIRS AS HISTORICAL SOURCES. Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.6-12

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-1>

АННОТАЦИЯ

Мақолада XIX – XX аср бошларида Эрондан Хива хонлигига ташриф буюрган элчиларнинг сафарномаларида Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон тарихига оид маълумотлар - уларнинг сафар ва йўл таассуротлари, ҳукмдор томонидан қабул қилиниши ва у билан музокара жараёнлари, ташриф буюрилган шаҳарлар, маҳаллий аҳолининг турмуш маданияти, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, ҳукмдорлар шахси, элчиларни расмий қабул маросимлари, давлат бошқаруви, минтақадаги сиёсий вазият ва жараёнлар, ўзаро муносабатлар ва муҳим тарихий воқеалар ҳақида маълумотлар ўрин олган.

Калит сўзлар: Марказий Осиё, Эрон, Хоразм, Бухоро, элчилик, музокаралар, сафарнома.

Доно Хамидовна Зияева,
доктор исторических наук, профессор
Институт истории Академии наук Республики Узбекистан

ПУТЕВЫЕ ЗАПИСИ И МЕМУАРЫ ИРАНСКИХ ПУТЕШЕСТВЕННИКОВ КАК ИСТОРИЧЕСКИЙ ИСТОЧНИК

АННОТАЦИЯ

В статье приводятся сведения из путевых записей иранских послов, посетивших Среднюю Азию в XIX веке. В них нашли своего отражения ценные сведения путевых записей о приеме и переговорах их правителями ханств, о городах и бытовой культуре местного населения, о государственном управлении и политической ситуации, а также, социально-экономическом положении и взаимоотношений в регионе.

Ключевые слова: Центральная Азия, Иран, Хорезм, Бухара, посольства, переговоры, путевые записи.

Dono Kh.Ziyaeva,
Doctor of Historical Sciences, Professor
Institute of History of the Academy of

IRANIAN TRAVELOGUES AND MEMOIRS AS HISTORICAL SOURCES

ABSTRACT

The article describes the history of Central Asia, in particular Uzbekistan, and the analysis of the issues covered in the travelogues written in Iran in the XIX-early XX centuries. Works in this category depict information about travel impressions and negotiation processes, important historical data on the cities of the visited country, culture of lifestyle of the population, socio-economic life, personalities of rulers, official receptions of ambassadors, public administration, political situation and processes in the region, relations and important historical events.

Index Terms: Central Asia, Iran, Khorezm, Bukhara, ambassador, history, captive.

1. Долзарблиги:

Марказий Осиё халқлари, хусусан, Эрон ва Турон тарихи жуда қадимдан муштарак бўлиб, бу энг аввало, уларнинг ягона Марказий Осиё минтақасида жойлашганлиги, жуда қадимдан зардуштийликка, кейинчалик эса ягона ислом динига эътиқод қилганлиги, тили (форсий), мумтоз адабиёти ва маданияти ҳам муштарак ривожланганлиги, иқтисодий алоқалари ҳамиша фаол бўлганлиги, сиёсий тарихи эса айрим тарихий даврларда умумий давлатчилик (Ахамонийлар, Амир Темур салтанати ва бошқалар) доирасида кечганлиги, айрим даврларда ўзаро урушлар ёки иттифоқчилар бўлганлиги яхши маълум. Мавзунинг ўрганилиши Марказий Осиё халқларининг сўнгги ўрта асрлардаги маданий алоқалари тарихини ўрганишда долзарб аҳамият касб этади.

2. Методлар:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, киёсий-мантикий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда сўнгги ўрта асрлардаги Марказий Осиё халқларининг Эрон билан маданий алоқаларининг ўрганилишида эрон сафарномалари ва мемуар асарлари тарихий манба сифатидаги тарихий аҳамияти кўрсатилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Эрон ва Турон халқларининг маданий алоқаларининг тарихий илдизлари энг қадимги зардуштийлик дини тарқалган даврлардан бошлаб, ислом маданияти даврида янада яқинлашди. Айниқса, мумтоз адабиётда Рудакий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоӣ, Умар Ҳайём ижоди, тарихий тадқиқотларда Захириддин Бобур, Мирхонд, Хондамир асарлари ҳар икки ҳудуд халқлари учун бирдек қадрли маданий дурдоналарга айланди. Ўрта асрлар тарихий-адабий ва диний манбаларида Эрон ва Турон тарихи ҳамда маданиятининг ўзаро алоқадорлиги ҳамиша яққол намоён бўлиб келди.

Сўнгги ўрта асрларда минтақада ҳаж зиёрати ва бошқа саёҳатлар билан боғлиқ ҳолда сафарномаларнинг юзага келиши Эронда ҳам намоён бўлди. Сафарномалар нафақат йўл таассуротлари ва музокара жараёнлари, балки ташриф буюрилган мамлакатнинг шаҳарлари, аҳолисининг турмуш маданияти, ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид муҳим тарихий маълумотларга эгаллиги боис, ўзига хос тарихий манба сифатида тарихчилар эътиборини тортади. Шунингдек, сафарномаларда ҳукмдорлар шахси, элчиларни расмий қабул маросимлари, давлат бошқаруви, минтақадаги сиёсий вазият ва жараёнлар, ўзаро муносабатлар ва муҳим тарихий воқеалар ҳақида маълумотлар ҳам ўрин олганлиги боис, уларни ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали минтақадаги геосиёсий вазият ҳамда ўзаро алоқаларга таъсир ўтказган ички ва ташқи омилларни аниқлашда фойдаланиш мумкин.

Эрон сафарномаларини ўрганишда эроншунос олимлардан Б.С. Маннонов [4; 6: 69-73-бетлар.], сафарномаларни ўзбек тилига таржима қилиб, нашрга тайёрлаган Умид Бекмуҳаммад, Бекжон Исмоилов хизматларини, Эрон ва Хива хонлиги муносабатлари тарихини ўрганган тарихчилар мутахассис Н.Аллаева[8] каби мутахассисларни алоҳида эътироф этиш лозим.

Бевосита сафарномаларга тўхталиб, шуни қайд этиш лозимки, улар энг аввало асар муаллифларининг воқелар гувоҳи ва иштирокчиси сифатида ўзлари кўрган, билган, суриштириб, аниқлаган маълумотларга асосланганлиги билан қимматлидир.

Сафарномалардан бири Хоразмга 1842 йилда Эрон ҳукмдори Муҳаммадшоҳ қожор томонидан юборилган элчи Муҳаммад Алихон Ғафурнинг қаламига мансуб бўлиб, “Рўзномайи сафар-и Хоразм” (“Хоразм сафари кундалиги”) деб номланади. Сафарномада Эрон элчисининг 1842 йилда Хива хонлигига дипломатик миссия билан ташрифи чоғида Хива хони Оллоқулихон (1825-1842) билан олиб борган дипломатик музокаралари ўз аксини топган бўлиб, унинг сўнг Эрон ташки ишлар вазирлигига ёзилган ҳисоботи асосида нашр қилинган бўлиб, 2009 йилда шарқшунос Бекжон Исмоилов томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, Тошкентда чоп этилган [9].

Маълум бўлишича, Хоразмга Англия ва Россиянинг Техрондаги доимий элчихонаси вакиллари билан бирга жўнатилган Муҳаммад Алихон Ғафурга Эрон ва Хива хонликлари ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатиш, эронлик асирларни тутқунликдан қутқариш ҳамда кул савдосига чек қўйиш масаласини муҳокама қилиш топширилган эди. Унинг ташрифидан бир оз муддат аввал – 1841 йили ёзида Машҳад атрофида талончи туркманлар гуруҳи зиёратчилар қарвонига ҳужум қилиб, қўлаб кишиларни асир олганлар ва Хивага олиб келиб сотиб юборганлар. Улар орасида Хуросон волийсининг акасини фарзанди – яқин атрофда ов қилиб юрган Вали Муҳаммадхон исмли шахс ҳам асирликка олиниб, Хива хонига топширилган. Хуросон волийси Эрон ҳукмдорига мурожаат қилиб, ўз жиянини озод қилишда ёрдам сўраши муносабати билан Хивага жўнатилган элчи Муҳаммад Алихон Ғофурга Вали Муҳаммадхонни ва бошқа эронлик тутқунларни озод қилишни сўраш вазифаси юклатилган эди.

Мазкур элчилик миссиясига Эрондаги рус ва инглиз элчихоналарининг вакиллари ҳам қўшиб жўнатилган бўлиб, бу ҳолат Хива хони Оллоқулихоннинг ранжишига сабаб бўлади ва бу ҳақда ўз фикрини элчига ошкора билдиради. Гарчи Оллоқулихон элчи ва унинг ҳамроҳларини 4-5 марта қабул қилиб, иззат икром кўрсатса-да, Муҳаммад Алихон тўра билан музокаралар давомида эронлик асирларнинг озод қилинишини “рус ва инглиз вакиллари ташрифи натижаси сифатида” баҳоланмаслиги учун бу ишни кейинги сафарга қолдиради. Хивадаги барча қулларни ёппасига озод қилиш эса раиъат ҳуқуқини бузилиши ва норозилигига олиб келишини, зеро, қулларни эгалари уларни катта пулга сотиб олинганлигини, уларни эгаларидан сотиб олиш учун катта маблағ зарурлигини, Хивадаги қулларни алмаштириш эвазига Эрондаги қуллар ҳам биттама-битта озод этилиши лозимлигини уқдиради.

Манбаларда қайд этилишича, орадан кўп ўтмай, 1842 йилда Хива хони Оллоқулихон вафот этиб, тахтга келган янги ҳукмдор Муҳаммад Амин тўра Муҳаммад Валихон озод қилиб, Эрон билан дўстона муносабатларни далили сифатида Хива элчиларига қўшиб, Техронга жўнатилади.

Муҳаммад Алихон Ғафурнинг сафар кундалиги Хива хонлиги тарихига оид қизиқарли маълумотлар ўрин олган бўлиб, улар энг аввало музокаралар жараёнларидаги расмий тартиблар ва маросимлар батафсил таърифланади.

Ушбу сафарномада Элчи Муҳаммад Алихон Ғофур Эрондан то Хоразмгача йўлдаги манзиллар, улар орасидаги масофаларни қайд этиб боради. Хива хонлигидаги ўзи кўрган шаҳарларга таъриф беради. Хусусан, Марв шаҳри ҳақида тўхталиб, хон ҳазратлари шаҳарни тиклаб, мудофаа мақсадларида ҳандақлар қазитганлиги, ҳандақлар сувга тўлдирилиб, шаҳар аҳолиси учун кўприк ташалганлигини қайд этади. Хива хонлигида ўғрилиқ содир бўлмаганлиги боис ҳовлилар, уйлар қулфланмаслиги, ҳатто озод қилинган айрим эронлик асирларнинг Хивадан кетгиси келмаганлиги, улар хон қўшинида сарбоз бўлиб хизмат қилиш истагида эканлиги ҳақидаги маълумотлар эътиборга лойиқдир. Амударёни таърифлаб эса унда йил бўйи лойқа сув оқиб туришини, қишда эса жуда қаттиқ музлаганлигидан унинг устидан отлиқлар бемалол ўтишини қайд этади. Муаллиф йўлдаги серсув қудуқлар ҳақида ҳам маълумот беради.

Сафарномалардан яна бири Эрон Миллий Мажлис кутубхонасининг кўлёзмалар хазинасида сақланаётган, Ҳусайн Замонийнинг сўз бошиси билан 1953-54 йилда Техронда чоп этилган **«Сафарномаи Бухорий»** номли асаридир [3]. Асарни нашрга тайёрлаган, унга сўзбоши ёзган Ҳусайн Замонийнинг қайд этишича, сафарномада муаллифининг номи кўрсатилмаган бўлса-да, унинг мазмунидан элчилик миссияси билан Эрон шоҳи Муҳаммадшоҳ томонидан Бухорога келган шахс қаламига мансублигини, бу тахминан 1844 йилга тўғри келишини таъкидлайди. Зеро, элчига шу даврда Бухорода тутқунликда бўлган инглиз фуқароси Жозеф Вульфни ҳамда эронлик асирларни озод қилиш топширилган эди [7: 147-155 бетлар.]. Бу даврда Эронда ўз элчилигига эга бўлган Англия мамлакат ҳукмдоридан ўз фуқаросини озод қилишда воситачилик қилишни сўраб, унга ўз вакилини ҳам қўшиб жўнатган.

Мазкур сафарномада Эрондан Бухоро амирлигига олиб борадиган йўллар, манзиллар, туркман қабилаларининг жойлашиши тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган. Шу билан бирга мамлакатнинг ички ҳаёти, Хива хонлигида давлат тузуми, девонхона фаолияти, молиявий ва ҳарбий ишларга оид маълумотлар ҳам ўрин олган.

Муаллиф ўз шахсий кузатишлари асосида Бухоро амирлигида элчиларни расмий қабул қилиш маросимлари, турли мансаб ва лавозимлар, уларнинг расмий қабул маросимларидаги жойлашув тартиблари, шоҳ ёрлигини топшириш, совғалар тақдим қилиш расм-русумлари, элчиларга муносабат, эътибор ва кўрсатилган илтифотларни таърифлайди. Шунингдек, давлат бошқарув фаолияти билан боғлиқ масалалар, хусусан, сарой девонхонасининг фаолияти, солиқларни турлари ва уларни ундириш тартибларига ҳам тўхталиб, 160 минг хўжаликдан йиғиладиган закот солиғи 350 минг сўмни ташкил этишини, Амударё ва Зарафшон дарёсида олтин маъданлари мавжудлигини қайд этади.

Мамлакатнинг ҳарбий кучлари ҳам элчининг эътиборидан четда қолмаган. Асарда уларнинг тузилиши, таъминоти ва мамлакат шаҳарлари, бекликлар бўйича бўйича тақсимотига тўхталиб, Бухорода 20 минг, Шаҳрисабз, Маймана, Денов бекликларида эса 1000 дан 2000 минггача қўшин сақланганлиги ҳақида маълумотлар келтирилади.

Сафарномада Бухоро шаҳридаги йирик тужжорларнинг Россия, Эрон ва Қобул билан йиллик савдо айланмиси, савдогарлардан олинадиган бож ва закот солиқлари, улардан ҳарбий қўшин учун олинадиган алоҳида тўловлар ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган.

Эрон элчиси Бухоро амирлигининг ташқи алоқаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, унинг ўз қўшилари – Қўқон ва Хива хонликлари билан муносабатлари, Хуросон ҳокимлари билан алоқалари, инглизларга нисбатан ишончсизлик кайфияти ҳамда Эрон-Бухоро муносабатлари, туркман қабилалари билан келишмовчиликлари ҳақида ҳам маълумотлар келтиради.

Бухоро амири Эрон ҳукмдорининг элчи орқали юборган илтимосини қондириб, ўз тасарруфида сақланаётган, жосусликда айбланган инглиз фуқаросини ва саройдаги 2000 эронлик асирларни озод қилиб, элчига қўшиб беради. Шунингдек, қолган эронлик қуллар бебош туркманлар томонидан ўзаро тўқнашувларда асир олиниб, ўз эгаларига пул эвазига сотилганлиги боис, уларни озод қилишга ҳаққи йўқлигини тушунтиради.

Эрон сафарномаларидан яна бири **«Сафоратнома-йи Хоразм»** [2: С. 280-309-бетлар] 1851 йилда Эрон ва Хива хонлиги ўртасида дипломатик музокаралар олиб бориш учун Хоразмга элчи сифатида ташриф буюрган Мирзо Ризокулихон Ҳидоят (1800—1871) қаламига мансубдир [10: 53–231-бетлар; 1]. Ризокулихон Ҳидоят ўз шеърлари билан назарга тушиб, саройда «Амир уш-шуаро» (шоирлар бошлиғи) деган унвонга сазовор бўлган, шахзодалар тарбиячиси, маслаҳатчи, туман (ноҳия) ҳокими лавозимида фаолият юритган давлат арбоби, 20 дан ортиқ тарихий асарлар яратган тарихнавис олим, сарой кутубхонасининг бошқарган маърифатпарвар, зиёли шахс эди. Ризокулихон Ҳидоят ўрта аср тарихчиси Мирхонд (1433-1498) нинг форс тилида энг мукаммал тарихий асарлардан бири сифатида тан олинган «Равзат ус-сафо фи сийрат ул-анбиё ва-л-мулук ва-л-хулафо» («Пайғамбарлар, подшоҳлар ва халифаларнинг таржимаи ҳоли ҳақида жаннат боғи») асарини давом эттиради. Дунёнинг яратилишидан то 1523 йилга қадар Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта

Шарқ мамлакатларида бўлиб ўтган муҳим тарихий жараёнлар, ижтимоий-сиёсий воқеалар баён этилган, еттига жилддан иборат бу нодир асарнинг турли қисмлари француз, лотин, швед, немис, ўзбек ва бошқа бир қатор тилларга таржима қилинган бўлиб, европаликлар учун Шарқ тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилган. Ризоқулихон Ҳидоят икки йирик тарихчи олим – Мирхонд ва Хондамир томонидан амалга оширилган бу муҳим асарни давоми сифатида яна уч жилдли асар яратиб, уни 10 жилдга етказди. Эрон, Хуросон, Мовароуннаҳр тарихини қамраб олган мазкур уч жилдли асар «Равзат-ус-сафои Носирий» деб номланган.

Ана шундай кенг тарихий билимларга эга бўлган Ризоқулихон 1851 йилда Эрон шохининг топшириғи билан Хива хони Муҳаммад Аминхон (1845—1855) ҳузурига элчи бўлиб келиб, Эрон-Хоразм муносабатларига ойдинлик киритиш юзасидан музокаралар олиб боради [7: 162-178 бетлар.]. «Сафоратнома-йи Хоразм» асарида Ризоқулихон Хоразм халқининг тарихи, маданияти, турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналари, хусусан Хива хонлигида 19-аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, иқтисодий вазият ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Ризоқулихон Хоразмга ташриф буюрганда ўзининг «Равзат-ус-сафои Носирий» асарини ҳам олиб келади. Бу пайтда Мирхонднинг «Равзат-ус-сафо» асарини Мунис томонидан бошлаб қўйилган форс тилидан ўзбек тилига таржимасини давом эттираётган Огаҳий кейинчалик «Равзат-ус-сафои Носирий» асарини ҳам ўзбек тилига таржима қилади. Ризоқулихон Ҳидоятнинг ҳар икки асари ҳам Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистоннинг сўнгги ўрта асрлар тарихига оид муҳим манбалардан ҳисобланади.

Хива хонлигига бағишланган, эронлик муаллифлар қаламига мансуб бўлган асарлардан яна бири – бу 1854-1864 йилларда Хивада асирликда бўлган Эрон генерали Исмоилхон Мирпанжийнинг 1864 йилда ёзилган “Асирликдаги хотиралар” номли мемуар асаридир [5]. Эрон ва Хива хонликлари ўртасидаги чегарадош ҳудудлардаги ўзаро тўқнашувларда асирга олинган Эрон генерали Исмоил Мирпанжий 1854-1864 йилларда, яъни ўн йил давомида меҳтар назоратида асирликда сақланган. Исмоил Мирпанжийга асирликда алоҳида эътибор қаратилиб, ўз ўғли ва бир нечта яқинлари билан алоҳида уй, кўрикчилар, озиқ овқат ажратилган. Унинг ўзи қайд этишича, узлуксиз мурожаатларига қарамай, Эрон ҳукумати уни озод қилиш учун Хива хонига бирор марта мурожаат ҳам қилмаган.

Бу даврда Хива хонлигида тўртта ҳукмдор Муҳаммад Аминхон, Абдуллахон, Қутлимурадхон ва Саидмуҳаммадхон ҳукмронлик қилганлар. Унга асирликдан озод қилиш ҳақида фармон берилганда, ўз бошини олиб, мустақил кетишдан чўчиган Исмоил Мирпанжийга илтифот кўрсатилиб, хивалик аёлга уйлантириб қўйилади. Саидмуҳаммадхон хонлик тахтига ўтирганига олти йил тўлганда, 1864 йилда Исмоил Мирпанжий асирликдан қочишга муваффақ бўлган.

Асирликда И.Мирпанжий ўзи кўрган, суриштириб аниқлаган маълумотларни изчил ёзиб боради. Ҳар бир хоннинг ҳукмдорлик даврида олиб борилган сиёсат, мамлакатдаги аҳволга алоҳида тўхталиб ўтади. Шу асосда Хоразм ва унинг атрофларида кўрган ва эшитган воқеаларини қамраб олган ҳисобот тайёрлайди. Ҳарбий қўмондоннинг қожорлар сулоласи ҳумдорига тайёрланган бу ҳисобот кейинчалик «Асирликдаги хотиралар» номи билан чоп этилади. Асар мустақиллик йилларида Умид Бекмуҳаммад томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилди. Унда И.Мирпанжий дастлаб асирликда кечган ҳаётини, Марв, Хивада бошидан кечирган саргузаштларини баён қилади. Асар мазмунидан маълум бўлишича, Исмоил Мирпанжий 10 йиллик кузатишлари давомида анча чуқур маълумотларга эга бўлади. Хусусан, хон саройидаги бош лавозимлар – меҳтар, қўшбеги ва девонбеги лавозимлари, уларнинг асосий функциялари, суд тизими, вилоятлардаги лавозимлар, раис, мулла лавозимлари, уларнинг функциялари ҳақида батафсил тўхталиб ўтади.

Исмоил Мирпанжий ҳукмдор шахсига алоҳида эътибор қаратиб, унга исталган шахс арз билан кира олиши, жуда оддий кийиниши, шариатга оид суд ишларига аралашмаслиги, аммо ҳеч кимни мурожаатини жавобсиз қолдирмаслигини қайд этади.

И.Мирпанжий шунингдек, хонликдаги ҳарбий кучлар ҳолати, тузилиши, сони ва қуролланиш даражасига ҳам эътибор қаратади. Шунингдек, солиқ тузуми, хирож ва закот, бож ва тўловларидан келадиган даромадлар, салғут тўлови, қазув мажбуриятлари каби масалаларда анча аниқ маълумотлар қайд этади.

Хонлиқнинг ташқи алоқалари, хусусан, инглиз-рус рақобати масалаларига тўхталиб, Россия империясининг хонлик шимолида қалъалар барпо этиб, ўз мавқеининг анча мустаҳкамлаб олганлигини таъкидлайди.

Муаллиф хонликдаги ижтимоий-сиёсий аҳвол, урф-одатлар, кўшни мамлакатлар – Эрон, Туркия, Афғонистон, Россия, Бухоро билан савдо, маданий алоқалари каби масалаларга тўхталиб ўтади. Ушбу маълумотлар Огаҳий, Баёний каби маҳаллий тарихчилар асарларида қайд этилган тарихий маълумотларни тасдиқлаш билан бирга, уларни айрим масалаларда янада тўлдиради.

Исмоил Мирпанжий мамлакатнинг ички ва ташқи аҳволи, Хива хонлигининг ер майдони, тузилиши, географик жойлашуви, табиати, аҳолиси, шаҳар ва қалъалари, экинзорлари ҳақида аниқ маълумотлар тўплайди.

Хусусан, Хива хонлигидаги беклик марказлари ва уларнинг аҳолиси ҳақида маълумот бериб, Ҳазораспда 20 минг, Хонқада 15 минг, Янги Урганчда 30 минг, Хивада 40 минг, Гурланда 15 минг киши яшагини, Питнакда 1000 хонадон борлигини қайд этади. Шу билан бирга муаллиф асарда ўзаро элчилик алоқалари ҳамда ташриф буюрган элчилар ҳақида ҳам маълумотлар келтиради.

4. Хулосалар:

Хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, Эрон сафарномалари Хива ва Бухоро хонлиқларининг Эрон ва бошқа кўшни мамлакатлар билан ташқи алоқалари, савдо ва қарвон йўллари, дипломатик муносабатлари, мамлакатнинг ички бошқаруви, элчиларни қабул қилиш маросимлари, айниқса, Хива хонлигининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, бошқарув тизими ва тартиблари, аҳолиси ҳамда шаҳарлари тарихига оид муҳим тарихий манба сифатида ватанимиз тарихини ўрганишда катта аҳамият касб этади.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Мирзо Ризокули. Сафарнома-йи Хоразм. Рук. ИВ АН РУз, инв. № 9129. – 41 л. (Mirzo Rizokuli. Safarnoma-yi Khorezm. Hands. IV AN RUz, inv. No. 9129. - 41 p).
2. Отчет о посольстве в Хорезм Риза-Кули-хана / Перевод и примеч. А.А. Ромаскевича // Материалы по истории туркмен и Туркмении XVI–XIX вв. Иранские, бухарские, хивинские источники (МИТТ) / Под ред. В.В. Струве, А.К. Боровкова, А.А. Ромаскевича, П.П. Иванова. – М. – Л., 1938. Т. 2. (Report on the embassy in Khorezm of Riza-Kuli-khan / Translation and notes. A.A. Romaskevich // Materials on the history of the Turkmen and Turkmenia of the 16th – 19th centuries. Iranian, Bukhara, Khiva sources (MITT) / Ed. V.V. Struve, A.K. Borovkova, A.A. Romaskevich, P.P. Ivanova. - M. - L., 1938. Vol. 2.)
3. Сафарномаи Бухоро (асари Муҳаммадшоҳи қожор) (1259 1260х). Ба эҳтимоми Хусайн Замоний. Техрон. 1373х. /1953-1954. (Safarnomayi Bukhara (by Muhammadshahi Qojor) (1259 1260h). Probably Hussein Zamani. Tehran. 1373h. / 1953-1954)
4. Маннанов Б.С. Из истории русско-иранских отношений конца XIX начала XX века. - Ташкент: «Наука», 1964 (Mannanov B.S. Iz istorii russko-iranskikh otnosheniy kontsa XIX nachala XX veka. -Tashkent: "Science", 1964).
5. Исмоил Мирпанжий. Асирликдаги хотиралар. Форс тилидан Набибулло Ҳасан таржимаси. Нашрга тайёрловчилар: Комил Нуржон, Умид Бекмуҳаммад. -Урганч, 1997. (Ismail Mirpanjiy. Memories in captivity. Translated from Persian by Nabibullo Hasan. Prepared by: Kamil Nurjon, Umid Bekmuhammad. Urgench, 1997)
6. Маннанов Б.С. Лолабошининг Хоразм сафари // Шарқшунослик. – 1997. – № 8. (Mannanov B.S. Lolabashi's trip to Khorezm // Oriental studies. - 1997. - No. 8)

7. Ўзбек дипломатияси тарихидан. Тарихий очерклар ва лавҳалар. -Тошкент, 2003. (From the history of Uzbek diplomacy. Historical sketches and tablets. -Tashkent, 2003.)
8. Аллаева Н. «Взаимосвязи Хивинского ханства с Ираном в XVI – XVIII вв.». Автореферат дисс... к.и.н. -Ташкент, 2007. (Allaeva N. "The relationship of the Khiva Khanate with Iran in the 16th - 18th centuries." Abstract dissertation ... Ph.D. Tashkent, 2007.)
9. Муҳаммад Алихон Ғофур. Хоразм сафари кундалиги (Муҳаммадшоҳ Қожор ва Оллоҳқулихон ўртасидаги дипломатик алоқалар тарихидан. 1842 йил) // Форсчадан ўзбек тилига таржима, кириш сўз ва изохлар муаллифи Исмоил Бекжон. – Тошкент, 2009. (Muhammad Alixon G'ofur. Diary of a trip to Khorezm (from the history of diplomatic relations between Muhammad Shah Qojor and Allahqulikhan. 1842) // Translation from Persian into Uzbek, author of introductory words and comments Ismail Bekjon. - Tashkent, 2009.)
10. Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномаи Хоразм. (Носириддиншоҳ ва Муҳаммад Аминхон ўртасидаги дипломатик алоқалар тарихидан) 1851 йил. / Форс тилидан И. Бекжонов таржимаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. (Rizokulikhon Khidoyat. Embassy of Khorezm. (From the history of diplomatic relations between Nosiriddin Shah and Muhammad Aminkhan) 1851 / Persian I. Translation by Bekjanov. - Tashkent: Yangi asr avlodi, 2009.)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№SI-4 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000